

СПОРТ ҲАКАМЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАРТНОМАВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сотволдиев Иброхимжон Шухратбек ўғли

Тошкент давлат юридик университети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10437489>

Бугунги кунда дунёда спорт ҳар қандай замонавий, жумладан ривожланган, ривожланаётган давлатларда аҳоли турмушининг муҳим, ажралмас қисми бўлиши билан бирга унинг айрим турлари миллат ва давлатларнинг қадриятларига айланмоқда, мамлакатлар обрў-эътиборини кўтармоқда. Шу билан бирга спорт муносабатларини тартибга солишда шартномаларнинг ўрни ортиб бориши, спортчи ва клублар ўртасида тузиладиган шартномаларни тузиш эркинлиги алоҳида эътибор қаратилиши, бу борада катта маблағлар айланиши ҳамда спортчи ва клубнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш зарурати юзага келтиради. Жумладан, дунёда жуда кўплаб машҳур спортчилар билан рекорд суммада тузилган шартномалар мавжуд бўлиб улар жумласига “Канзас Чифс” клуби билан Патрик Махоумс ўртасида тузилган умумий суммаси 503 млн \$, боксчи Флойд Мейвезер ва Showtime ўртасидаги 450 млн \$, бейсболчи Майкл Траут бейсбол тарихидаги рекорд сумма – 430 млн \$ ¹ шартномани киритиш мумкин.

Бир қатор мутахассисларининг фикрича, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси, айниқса, оммавий спортнинг жамиятни бирлаштириш, ёшларни зарарли одатлардан халос қилиш, касалликларни олдини олиш, ўртача умр кўриш ва унинг сифат даражасини ошириш каби кўпгина ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган спорт соҳаси ва ундаги хизматлар халқаро тартибга солиш ва ҳамкорликнинг объектидир. Жисмоний тарбия ва спортнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ролини ошишининг ҳозирги босқичида, спорт соҳаси вакиллари билан тузилган фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар ва профессионал спортчилар ўртасидаги муносабатларни қонун нормаларида аниқ тартибга солиш заруратини кучайтирмоқда.

Бироқ, мазкур соҳадаги муносабатлар шу қадар муҳимлигига қарамай, профессионал спортни ҳуқуқий тартибга солиш тегишли қонун ҳужжатларида тартибга солинмаган ва махсус адабиётларда тўлиқ ёритилмаган.

Энг умумий мезон сифатида спорт соҳасидаги бандлик унинг асосий ёки қўшимча фаолият тури эканлигига қараб профессионал спорт ва ҳаваскорлик спортга ажратилади. Жумладан, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида бу икки тушунчага таъриф берилган бўлиб, унга кўра **профессионал спорт** — спортнинг спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир қисми бўлиб, спортчилар уларда ўзининг асосий фаолияти сифатида иштирок этганлиги ва уларга тайёргарлик кўрганлиги учун мукофот ва (ёки) иш ҳақи олади; **ҳаваскорлик спорти** эса, спортнинг аҳолини ихтиёрийлик асосида оммавий спортга жалб қилиш орқали одамлар соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган соҳаси ҳисобланади.

¹<https://www.championat.com/other/article-4077339-503-milliona-dollarov-dlja-futbolista-mahoumsa--samyj-dorogoj-kontrakt-v-istorii-sporta.html>

Профессионал спортчиларнинг фаолияти фуқаролик қонунлари билан тартибга солинади, чунки улар тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Ҳуқуқий меъёрларнинг ушбу таърифлари профессионал спортчилар “тадбиркор” мақомини олишлари ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ўзаро муносабатларни тартибга солиш мумкинлигини билдиради². Бироқ, профессионал спорт муносабатларининг субъекти фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг қатнашчиси сифатида фуқаро-тадбиркор мақомини олмасдан ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича. Шунингдек, унинг профессионал спорт фаолияти меҳнат қонунчилиги нормалари билан ҳам тартибга солиниши мумкин. Бу эса профессионал спортчини икки ҳил мақомда иш фаолиятини олиб бориш мумкинлигини кўрсатади ва спортчи қайси мақомда иш фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини ўзи танлайди.

“Замонавий шароитда жисмоний маданият ва спорт янги ривожланиш даражасига кўтарилди. Жисмоний маданият ва спорт соҳасида илгари қонунчиликларда номаълум бўлган муносабатларнинг маълум бир соҳаси пайдо бўлди ва тез ривожланди бу профессионал спорт тушунчасидир”³.

Профессор Адам Эпстейн спортдаги иштирокни уч асосий категорияга бўлади:

1. Ҳаваскорлар;
2. Меҳнат шартномаси асосида фаолият юритмайдиган профессионаллар;
3. Меҳнат шартномаси асосида фаолият юритадиган профессионаллар⁴.

Яна бир олима Ольга Шевченконинг нуқтаи назарига кўра, “профессионал спорт – бу халқаро ҳужжатлар, қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий актлар, юмшоқ ҳуқуқ нормалари (халқаро ва миллий спорт федерациялари регламентлари ва қоидалари, спорт соҳасида одатлар ва тамойиллар), жамоавий шартномалар, битимлар, маҳаллий норматив ҳужжатлар ва индивидуал битимлар билан тартибга солинувчи, профессионал спортчи, мураббий, ҳакамлар ва (ёки) жамоаларнинг спорт мусобақаларидаги шахсий ва тизимли иштироки ва ютуққа эришиш учун уларга муайян ҳақ тўлаш учун тайёргарлик кўриш натижасида юзага келадиган мураккаб тузилмага эга ижтимоий муносабатлар мажмуи” – деб таъриф беради⁵.

Бундан бир умумий таъриф: “профессионал спорт спорт соҳасидаги ва у билан боғлиқ фаолият турлари ва ижтимоий муносабатлардаги бандликнинг шакллари (спортга оид, спорт-меҳнат, тадбиркорлик, шунингдек, спорт ташкилотларида амалга ошириладиган интизомий ва хизмат кўрсатиш-иерархик муносабатлари ҳам киради) мажмуидир” – деб аташ мумкин.

Белоруссиялик тадқиқотчи В.Ю.Каменкова спорт соҳасидаги шартномавий муносабатлар масаласини тадқиқ этиб, шартномавий муносабатлар спорт соҳасини ривожлантириш ҳамда тартибга солишда муҳим ва ҳал қилувчи ўрин эгаллашини,

² Н.А. Игнатьев; Институт законодательства и сравнительного правоведения при Правительстве Российской Федерации. - М.: ЗАО “Юридический Дом “Юстицинформ”, 2002. - С. 114.

³ А.А. Бикеев, В.П. Васильевич, М.Ю. Челышев. Правовая природа дисквалификации в профессиональном спорте. // Трудовое право. Ежемесячный практический журнал, 2002. — № 12. — С. 87.

⁴ An Exploration of Interesting Clauses in Sports. ADAM EPSTEIN. Central Michigan University. JOURNAL OF LEGAL ASPECTS OF SPORT Vol. 21:1. 2011 <http://ssrn.com/abstract=1831664>

⁵ Шевченко О.А. Особенности регулирования труда в сфере профессионального спорта / Международная ассоциация спортивного права (IASL); Комиссия по спортивному праву Ассоциации юристов России. М., 2014.

шунингдек спорт соҳасида шартномавий муносабатлар уч гуруҳга бўлинишини, яъни фуқаровий-ҳуқуқий, меҳнат ва аралаш шартномавий муносабатлар вужудга келишини билдириб ўтган⁶.

Тадқиқотчи М.А.Лебедева ўзининг “Сравнительный анализ правового регулирования труда спортсменов в Российской Федерации и федеративной республике Германия “ мавзусидаги номзодлик тадқиқот иши доирасида спорт соҳасида ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталиб ўтиб., Спорт соҳасидаги муносабатлар хилма-хил саналиб, бу муносабатлар доирасида спорт соҳасида давлат бошқаруви билан бирга мулкӣ муносабатлар (спортчилар учун кийим-бош, спорт анжомлари сотиб олиш, спорт иншоотларини ижарага олиш), спортчилар ва мураббийларни бошқариш, даромадлардан солиқлар тўлаш кабиларни қамраб олганлиги боис, ушбу муносабатлар маъмурий, фуқаролик, молиявий ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари билан тартибга солинишини билдириб ўтган⁷.

Спортчи ва спорт ташкилоти ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда меҳнат ва фуқаролик қонунчилигини фарқлаш жуда қийин. Хусусан, мустақил равишда машқ қиладиган ва фақат мусобақаларда қатнашадиган индивидуал спортчиларнинг ҳуқуқий ҳолати аниқ эмас. Ёки “гольф” сингари спорт турларида спортчилар ўзлари учун спорт клубига бадал тўлайдилар, бу эса уларга машғулотлар учун шароит яратиб беради ва мусобақаларда қатнашишларини таъминлайди.

Фуқаролик кодексининг 364-моддасида кўра, муайян шартномага тааллуқли барча муҳим (асосий) шартлари юзасидан тегишли шаклда келишув мавжуд бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. Ушбу модданинг иккинчи қисми эса, айнан қандай ҳолатлар муҳим шарт саналиши назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ предмети ва бундай турдаги шартномалар учун муҳим ёки зарур деб ҳисобланган, тарафлардан бирининг талабига кўра келишиб олинishi зарур бўлган ҳамма шартлар муҳим шартлар ҳисобланади. Шубҳасизки, ҳар қандай шартноманинг асосий шарти унинг предмети ҳисобланади.

Профессионал спорт муносабатларининг, биринчи галда, товар-пул⁸ муносабатлари шаклида эканлигини инобатга оладиган бўлсак, профессионал спортнинг ўйин турларида профессионал спортчилари иштирокидаги муносабатларни тартибга солишда фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларни қўллаш ўринли ҳисобланади.

Ҳозирда, спорт соҳасидаги шартномаларни бир ёки икки турлардан иборат деб қараш мақсадга мувофиқ эмас, чунки спорт соҳасининг иштирокчилари кўп бўлиб унинг ҳар бир субъектига нисбатан алоҳида шартнома турларини мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Мисол учун,

⁶ Каменкова В.Ю. Договорные отношения в сфере спорта / Спортивное право в Республике Беларусь. Сборник статей. Минск. “Промышленно-торговое право”. 2014 г. 129.с

⁷ Лебедева М.А. Сравнительный анализ правового регулирования труда спортсменов в Российской Федерации и федеративной республике Германия / Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. М. 2016 г. 18. С.

⁸ Бу ҳолатда “товар-пул” иборасида “товар” спортчининг тегишли фаолияти, бажарадиган иши ёки кўрсатадиган хизмати назарда тутилади. Чунки, спортчи тузилган шартномасига мувофиқ белгиланган натижага эришиш, муайян мусобақада қатнашиш ёки тегишли спорт клубининг шаънини ҳимоя қилиш ва шу каби ишни бажариш ёки хизматни кўрсатишга оид фаолиятни амалга оширади.

спортчи ва мураббий ўртасидаги шартнома,
спортчи ва клуб ўртасидаги шартнома,
мураббий ва клуб ўртасидаги шартнома,
спортчининг агент билан ва мураббийнинг агент билан тузаладиган шартномалари,
спортчи ёки мураббийнинг ҳамкорлар ва ҳомийлар билан тузадиган шартномалари;
клуб, агент, спортчи, мураббий ва ҳомийлар ўртасида тузиладиган шартнома ва ҳ.к.
Қўриб турганингиздек шартномалар классификацияси анча кенг бўлиб ҳар бир ўз
хусусиятига кўра ажралиб турилади. Спортчи ёки спорт соҳасининг бошқа бир
субъекти бир вақтнинг ўзида уч томонлама ёки тўрт томонлама шартномалар ҳам
тузиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда спорт соҳаси субъектлари ўртасидаги
муносабатларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ муносабатлари “бу фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқи нормалари таъсир
доирасига кирадиган ижтимоий муносабатлардир”. Ушбу муносабатлар гуруҳига
фуқаролик ва меҳнат шартномалари асосида вужудга келадиган турли муносабатлар
киради. Ижтимоий муносабатлар субъектларига – профессионал спортчилар,
профессионал спорт клублари, турли спорт турлари бўйича федерациялар (шу
жумладан халқаро), профессионал спорт соҳасида ишлайдиган мутахассислар
(мураббийлар, маъмурият, шифокорлар, массажчилар, юристлар ва бошқалар), спорт
агентлари ва томошабинлар киради.

Иккинчи гуруҳ муносабатлари “ҳокимият ва ҳукумат билан боғлиқ муносабатларни
киритиш мумкин. Булар асосан маъмурий (профессионал спортни давлат бошқаруви)
ва профессионал спорт соҳасидаги солиқ муносабатларидир”. Ижтимоий характердаги
оммавий муносабатларининг субъектларига ижро ҳокимияти органлари, давлат
бошқарув органлари субъектлари, ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий ҳокимиятлар,
солиқ органлари киради⁹.

Спорт мусобақаларини ҳакамларсиз ўтказиш имконияти мавжуд эмас. Жумладан,
спорт ҳакамлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш спорт ҳуқуқининг алоҳида,
мустакил йўналиши бўлиб ҳисобланади.

“Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Ресубликаси Қонунинида спорт
ҳакамига таъриф берилган бўлиб унга кўра **спорт ҳаками** — спорт тури қоидаларига
ҳамда спорт мусобақаси тўғрисидаги низомга (регламентга) риоя этилишини
таъминлаш учун жисмоний тарбия ёки спорт тадбири ташкилотчиси томонидан
ваколат берилган, махсус тайёргарликдан ўтган ва тегишли малака тоифасини олган
жисмоний шахс.

Спорт ҳакамлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг вазифалари, ҳуқуқ ва
мажбуриятлари Спорт ҳакамлари ва уларнинг малака тоифаларини бериш тартиби
тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2942) билан тартибга солинади.

⁹ Чельшев М.Ю. Предпринимательская деятельность в профессиональном спорте:
некоторые спорные вопросы законодательства и практики. // Бизнес, Менеджмент и Право.
Ежеквартальный научно-практический экономико-правовой журнал, 2003. - № 3. - С. 102.

Низомнинг 4-бандига кўра қуйидагилар спорт ҳакамининг ҳуқуқлари ҳисобланади:

спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш;

спорт ҳаками малака тоифасига эга бўлиш;

спорт ҳаками малака тоифасини ошириб бориш;

ўзига нисбатан бўлган эътирозларнинг кўриб чиқилишида шахсан иштирок этиш;

спорт мусобақасида ҳакамлик қилишда спорт мусобақаси ташкилотчисидан тегишли шарт-шароитлар яратилишини талаб қилиш.

Спорт ҳаками қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур ҳуқуқлари сирасига ҳакамнинг шартнома тузиши кўрсатиб ўтилмаган.

Ваҳоланки, спорт ҳакамлари ҳакам спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш мажбуриятига эга эмас. Бинобарин у ёки бу шахс ҳакам сифатида эътироф этилган бўлсада, спорт тадбири ташкилотчиси ҳакамни ихтиёрийлик асосида жалб қилиши мумкин. Бундай муносабатлар эса, шартномага асосан тартибга солиниши лозим. Ҳолбуки, ҳар қандай муносабатлар ёки қонун ҳужжатлари ёки шартномага асосан тартибга солиниши келгусида томонларга манфаатли ҳамкорликни таъминлайди ва соҳада томонлар ўртасида низоларни келиб чиқишини олдини олади. Бундан ташқари, спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш муайян сарф ҳаражат, вақтни олишини, меҳнат ресурслари талаб этилишини инобатга олсак. инобатга оладиган бўлшак томонлар албатта бу хизматни ҳақ эвазига кўрсатишлари мумкинлиги кўринади.

Шу билан бирга, ҳакамнинг мусобақа жараёнида келиб кетиш, турар жой билан таъминлаш, соғлигини тиклаш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш масаллаари ҳам борки булар томонлар ўртасида тузиладиган шартномалар билан ҳал этилиши лозим.

Хулоса

Биринчидан, спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи энг асосий қонун “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эканлиги, ушбу қонунда спорт шартномалари билан боғлиқ алоҳида модда мавжуд эмаслигини, спорт соҳадаги муносабатларда шартномавий қоидаларни белгилашда ушбу қонун талабларини тўғридан тўғри қўллаб бўлмаслигини инобатга олиб, ушбу қонунга спорт соҳаси субъектларининг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, кўнгиллилар (волонтер) билан тузиладиган шартномалар, спорт соҳасидаги ҳомийлик ва бу борадаги муносабатларнинг шартномавий асосларини белгилаш зарурлиги асослантирилди.

Иккинчидан, “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунда спортчини профессионал спорт билан шуғулланиши ҳақидаги шартнома тузилишида уни тайёрлаган ташкилотга компенсация тўлаш билан боғлиқ нормалар мавжуд бўлмаганлиги сабабли “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига “спортчи билан профессионал спорт соҳасида фаолият олиб бориш тўғрисида шартнома тузувчи юридик ёки жисмоний шахслар спортчини тайёрлаган ташкилотга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда компенсация тўлайди” деган нормани киритиш таклиф этилди.